

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚҲЙИШ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

МАЛИКОВ ОЛИМ

**ГЕПАТИТНИНГ В ВА С ВИРУСИ ТАЪСИРИДА ЖИГАРНИНГ
ДИФФУЗ ШИКАСТЛАНИШИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН АНЕМИЯ-
ГЕМОДЕПРИССИЯНИНГ ПАТОГЕНЕЗИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА
ДАВОСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Маликов Олим

Гепатитнинг В ва С вируси таъсирида жигарнинг диффуз
шикастланишидан келиб чиққан анемия-гемодепрессиянинг
патогенези, диагностикаси ва давосини оптималлаштириш 3

Маликов Олим

Клиника, патогенез, диагностика и принципы коррекции анемий-
гемодепрессий, обусловленных хроническими вирусными гепатитами
«В», «С» и циррозом печени 33

Malikov Olim

Clinic, pathogenesis, diagnostics and principles of correction of anemia-
hemodepressions caused by chronic viral hepatitis «b», «c» and liver
cirrhosis 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 70

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚҲЙИШ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

МАЛИКОВ ОЛИМ

**ГЕПАТИТНИНГ В ВА С ВИРУСИ ТАЪСИРИДА ЖИГАРНИНГ
ДИФФУЗ ШИКАСТЛАНИШИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН АНЕМИЯ-
ГЕМОДЕПРИССИЯНИНГ ПАТОГЕНЕЗИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА
ДАВОСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/Tib 265 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tma.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бахрамов Саиджалол Махмудович
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Солиев Қодиржон Каримович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сулейманова Дилора Нагаловна
тиббиёт фанлари доктори

Ахмедова Холида Юлдашевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Гематология ва трансфузиология илмий-текшириш институти (Россия, Санкт-Петербург)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 71) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru. ТТА 2-ўқув бино «б» корпуси, 1-қават, 7-хона).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 2-уй. ТТА 2-ўқув бино «б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б. Х.Шагазатова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л.Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Вирусли хавфсизликни таъминлаш гемотрансфузион даволашда муҳим вазифани бажаради. Бугунги кунда «трансфузиядан кейинги гепатитлар (ТКГ) билан касалланиш дунёнинг турли мамлакатларида 5% дан 17% гачани ташкил этади»¹. Сўнги йилларда жаҳон тиббиётида гепатотроп вирусларининг (В, С, Д) нафақат жигар тўқималарида, балки бошқа тўқималарда ҳам ривожланиши, гемопозитик тўқима ва ҳужайраларни шикастлаши мумкинлиги янгилик сифатида кўрсатилмоқда. Шунинг учун қондаги эритроцитлар мембранасидаги адсорбция-ёпишган жигар тўқима антигенларини аниқлаш анемия-гемодепрессия ривожланишида жигарнинг сурункали В ва С вируслари билан шикастланишини нафақат ташхислаш, балки башоротлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда гепатитнинг В ва С вируси таъсирида жигарнинг диффуз шикастланишидан келиб чиққан анемия-гемодепрессиялари патогенези, диагностикаси ва давосини оптималлаштириш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад анъанавий даволаш усулларининг беморлардаги анемия гемодепрессиясида жигарнинг сурункали В ва С вируслари билан зарарланишига тааллуқли бўлган жигар шикастланмаган аралаш сабабли камқонликнинг даволаш самарадорлиги, беморларда касалликни одатий даволашгача ва даволангандан кейин радиактив техникий ТС–99 билан текшириб гемопозитик ниҳолатининг суяклар кўмигидаги, биокимёвий ва темир моддасининг қондаги кўрсаткичларини ҳар тарафлама даволашгача баҳолаш тизимини асослаш, асосий иммун кўрсаткичлари ва баъзи махсус иммун кўрсаткичларнинг одатий даволашгача ҳолатини аниқлаш ҳамда касалликни маҳаллий янги дори воситаларини қўллаган ҳолда даволаш самарадорлигини баҳолаш, беморларда аутоиммун синдроми, даволашда иммуносупрессор сифатида глюкокортикоид гормонларини қўллаш самарадорлигини патогенетик асослаш ва консерватив даволашдан самарадорлиги кам бўлган спленэктомия амалиётини кўрсатма бўйича ўтказишни тавсия қилишдан иборат. В ва С вируслари билан стационар шароитда даволанган беморларни олти ой ва ундан кўпроқ муддатда амбулатор- диспансер шароитида йилда икки мартадан кам бўлмаган патогенетик даволаш лозимлиги ва бунда замонавий тиббий технологияларни қўллаш ва беморлар яшаш тарзини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли қон ва қон яратиш тизими касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактикаси сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ихтисослаштирилган

¹Самсыгина Г.А., Шербакова М.Ю., Гуревич О.Е. Случай аутоиммунного гепатита с исходом в цирроз печени. //Педиатрия, 2004. №4. – С. 91–93.

тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ноғиронликнинг олдини олиш»²га қаратилган муҳим вазифалар белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда гепатитнинг В ва С вируси таъсирида жигарнинг диффуз шикастланишидан келиб чиққан анемия-гемодепрессиялари патогенези, ташхисоти ва даволашни оптималлаштириш самарадорлигини таъминлаш, даволаш тактикасини ишлаб чиқиш, айниқса, кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида» ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.³ Гепатитнинг В ва С вируси таъсирида жигарнинг диффуз шикастланишидан келиб чиқувчи анемия-гемодепрессиялари патогенези, ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, National Institutes of Health (АҚШ), University of Vienna (Австрия), University of Catania (Италия), Department of Gastroenterology and Hepatology Vienna (Австрия), Osaka University Graduate School of Medicine (Япония), University of Toronto (Канада), Capital Medical University, (Хитой) Гематология илмий маркази (Россия), Гематология ва транзфузиология ИТИ (Россия), Федерал илмий-клиник марказининг гематология, онкология ва иммунологияга тегишли Рязань филиали (Россия), И.М.Сеченов номидаги Москва тиббиёт академияси (Россия), Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Гепатитнинг В ва С вируси таъсирида жигарнинг диффуз шикастланишидан келиб чиқувчи анемия-гемодепрессиялари патогенези,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳида қуйидаги манбалардан фойдаланилди: www.admissions.cn/ccmu, www.tmu.edu.tw, www.asu.edu.eg, en.unito.it, www.azhar.edu.eg, www.ub.edu, www.ut.ac.ir, www.unimi.it, med.uz/hematology.

ташхисоти ва давосини оптималлаштириш мақсадида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: вирусли гепатитнинг апластик камқонлик билан бирга кечиши асоратлари асосланган (Capital Medical University, Хитой); сурункали гепатитда камқонлик касаллигида гемодиализнинг ўрни ва аҳамияти асосланган (Taipei Medical University, Тайван); сурункали гепатит HBV ва HCV вируслари билан жигарнинг оғир зарарланишида қон ўсма касалликлари ривожланганда турли режадаги усулларда рибовирин, интерферон, энтокавир, соофосбувир каби вирусга қарши дори воситаларини ишлатиш зарурлиги исботланган (University of Vienna, Австрия; University of Catania, Италия); беморларда сурункали вирусли С гепатитининг анемия билан бирга кечишида гемопозз ҳолати таҳлил қилинган ва унинг натижалари исботланган (Department of Gastroenterology and Hepatology, Vienna, Австрия; University Osaka, Япония); беморлар сурункали С вирусли гепатитда Рибоворин ва Интерферон- α қўллаб даволанганда аутоиммун гемолитик анемия пайдо бўлиши ва гемоглоби кўрсаткичлари кескин пасайиши асосланган (Федерал гематология маркази, Россия, Москва; И.М.Сеченов номидаги иккинчи тиббиёт академияси, Россия, Москва; Beth Israel Hospital, Исроил); анемия-гемодепрессиянинг сурункали вирусли В ва С гепатитлари ҳамда жигар циррози билан бирга кечишида патогенезининг ўзига хослиги исботланган (Санкт-Петербург Гематология ва трансфузиология илмий-текшириш институти, Россия); анемия-гемодепрессия жигарнинг сурункали В ва С вируси билан шикастланганда беморларни даволашга ҳар тарафлама комплекс ёндашиш тизими исботланган (University of Catania, Италия; University Toronto, Канада); гепатитнинг В ва С вируси таъсирида жигарнинг диффуз шикастланишидан келиб чиқувчи анемия-гемодепрессиялари патогенези, ташхисоти ва давосини оптималлаштириш тизими яратилган (Гематология ва қон қуйиш институти, Ўзбекистон).

Дунёда гепатитнинг В ва С вируси таъсирида жигарнинг диффуз шикастланишидан келиб чиқувчи анемия-гемодепрессиялари патогенези, ташхисоти ва давосини оптималлаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: анемия гемодепрессияда жигарнинг сурункали В ва С вируслари билан зарарланишига тааллуқли бўлган жигар шикастланмаган аралаш сабабли анемиянинг самарадорлигини асослаш; беморларда биокимёвий ва темир моддасининг қондаги кўрсаткичларини ҳар тарафлама даволашгача баҳолаш тизимини асослаш; асосий иммун кўрсаткичлари ҳамда махсус иммун кўрсаткичларининг анъанавий даволашгача ҳолатини ўрганиш ва касалликни маҳаллий янги дори воситаларини қўллаган ҳолда даволаш самарадорлигини баҳолаш, консерватив даволашдан самарадорлиги кам бўлган спленэктомия амалиётини кўрсатма бўйича ўтказишни тавсия қилишни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу мавзу бўйича чоп этилган мақолаларнинг кўпчилиги муаммога бир тарафлама баҳо бериш билан чекланган (Мамаев С.Н., Лукина Е.А., Павлов Ч.С., 1990; Арипова Г.А., Умарова А.А., Петрова

Г.А., 2005; Ивашкин В.Т., 2001; Руских А.В. ва бошқ., 2005; Chang К.М., Reharman В., 1995; Schuchmann М., Galle Р.Р., 2001). Анемияда гемодепрессиянинг гепатотроп В ва С вируслари билан сурункали кечишида тўғри ташсис қўйиш ҳам тўлиқ асосланмаган (Мамаев С.Н., Лукина Е.А., Павлов Ч.С., 2003; Моршакова Е.Ф., Павлов А.Д., 2000; Мусаева Н.Б. ва бошқ., 2006; Armiakina О.Л., 2005; Nelson D.R., Lay J.V. 1998). Эритроцитлар кислородни тўқимага олиб бориб, улардан чиққан угликис газини олиб қайтишдан ташқари, қондаги кўплаб антигенлар, бактериал полисахаридлар, вируслар ва иммун комплексларини пассив адсорбция қилиш хусусиятига ҳам эга (Василенко В.Г., 1983; Chang К.М. ва бошқ., 1997). Шунинг учун қондаги эритроцитлар мембранасидаги адсорбция-ёпишган жигар тўқима антигенларини аниқлаш анемия-гемодепрессиясининг ривожланишида жигарнинг сурункали (В ва С вируслари билан) шикастланиши нафақат ташхисот, балки башоратлаш аҳамиятига ҳам эга (Турбина Н.С. ва бошқ., 1990; Павлов Ч.С. 2000; Мусаева Н.Б. ва бошқ., 2006). Бундан ташқари жигарнинг сурункали шикастланиши, жумладан, вирус сабабли (В, С, Д ва бошқа) шикастланганда ҳам организмда иммунологик мувозанат бузилиши, мононуклер фагоцитлар фаоллиги ортиши, аутоиммун-агрессия ҳолати юзага чиқиши, эритроцитлар, лейкоцитлар ва тромбоцитларни шикастлаши, қонда 1, 2, 3 қаторли цитопения ҳолати пайдо бўлиши асосланган (Апросина З.Г. ва бошқ., 1996; Буеверов О.А. ва бошқ., 2000; Fanaux Р., 1996).

Мамлакатимизда сўнгги йилларда камқонлик касалликларининг, асосан, темир танқислиги, гемоглобинопатия, наслий ва орттирилган гемолитик камқонлик, маълум ёшдаги камқонликлар (ўсмир ёшдаги, туғиш ёшдаги аёллар, катта ёшдаги кишилар) ўрганилмоқда (Фарманкулов Х.К., 1994; Азимова Д.А. ва бошқ., 1995; Бахрамов С.М. ва бошқ., 1995; 2011; Сулайманова Д.Н. ва бошқ., 2005; Калменов Г.Т., 1995, 2001; Болтаев Х.Ж., 1996). Лекин жигарнинг сурункали вирусли (В, С, Д) шикастланиши билан кечувчи анемия-гемодепрессия ҳолати деярли ўрганилмаган. Республикамизда анемия ва периферик қон хужайралари 1, 2, 3 қаторли цитопеник ҳолатининг сурункали вирусли В ва С гепатитлари билан кечиши етарли даражада тарқалган бўлиб, уларнинг профилактикаси, самарали даволаш усуллари ва касалларни соғломлаштиришга қаратилган чоратadbирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда жаҳон тиббиётида гепатотроп вирусларининг (В, С, Д) нафақат жигар тўқималарида, балки бошқа тўқималарда ҳам ривожланиши, гемопозетик тўқима ва хужайраларни шикастлаши мумкинлиги янгилик сифатида кўрсатилмоқда ҳамда бунинг натижасида келиб чиқадиган асоратларнинг жуда катта хавфи таъкидланмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимининг бозор иқтисодиётига ўтганлиги ҳамда ушбу патологияли беморларнинг кўпчилигини иқтисодий кам таъминланган фуқаролар ташкил этиши ҳисобга олинса, беморларни дифференциаллашган ҳолда даволаш, амбулатор-диспансер кузатувни кучайтириб, даволаш харажатларини минималлаштириш йўллари қидириб топиш бугунги куннинг долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим масала эканлиги аён бўлади. Республикамизда

бундай патологияли беморларни мақсадли ўрганиш, даволаш, амбулатор-диспансер шароитда кузатиш, соғломлаштириш, ҳаёт сифатини яхшилаш алгоритми қабул қилинмаган муаммонинг ўз ечимини кутаётган яна бир жиҳати бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Гематология ва қон қуйиш институти илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ А–9–147 рақамли «Анемия-гемодепрессияда жигарнинг сурункали вирусли шикастланишига тааллуқли В ва С вируслари касалликни кечишида ва ривожланишини ташхислаш ва даволашнинг янги истиқболли усулларни ишлаб чиқиш» (2008–2012) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади анемия-гемодепрессиянинг В ва С гепатитларда жигарнинг сурункали вирусли шикастланишини тўғри ташхислаш ва самарали даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

одатий даволаш усулларининг беморлардаги анемия-гемодепрессияда жигарнинг сурункали вирусли шикастланишига тааллуқли (АГЖСВШТ) бўлган (В, С вируслари билан) ва жигари шикастланмаган аралаш сабабли анемияда (АСА) самарадорлигини баҳолаш;

беморлар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлганда одатий даволашгача ва даволангандан кейин радиактив техниций (ТС–99) билан текшириб гемопоз ниҳолатининг суяклар кўмигидаги ҳолатини баҳолаш;

беморлар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлганда биокимёвий ва темир моддасининг қондаги кўрсаткичларини ҳар тарафлама даволашгача баҳолаш;

беморлар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлганда асосий иммун кўрсаткичлари ва баъзи махсус иммун кўрсаткичларининг одатий даволашгача ҳолатини кўрсатиш;

беморлар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлганда маҳаллий яратилган янги дорилар – кобавит, лакта-Флорни қўллаб даволашнинг самарадорлигини баҳолаш;

АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлганда беморларда аутоиммун синдроми кузатилса, даволашда иммуносупрессор сифатида глюкокортикоид гормонларни қўллашни патогенетик асослаш ва консерватив даволашдан кам самара бўлганда спленэктомия амалиётини кўрсатма бўйича ўтказишни тавсия этиш;

беморларда АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлганда ҳар тарафлама мукамаллашган даволаш усули тавсия қилиниб, бунда рекомбинат технологияли гемостимулятор, гепатопротектор, интерферон индукторлари ва иммуномодуляторларни қўллаш, гематолгик кўрсаткичлар мониторингини даволашдан кейин (6 ойдан кўп бўлган муддатда) ўтказишни тавсия этиш;

АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлганда стационар шароитда даволангандан кейин узок муддатли (6 ой ва ундан кўп) даврда амбулатория диспансер шароитида йилда 2 мартадан кам бўлмаган узок муддат (3 йилдан

кам бўлмаган) қўллаб турувчи патогенетик даволаш лозимлиги ва бунда замонавий тиббий технологияларни қўллашни асослаш, ушбу усулнинг беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва қисман меҳнат фаолиятини тиклашга олиб келишини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти шифохонасида кузатилган ва даволанган 15 ёшдан 52 ёшгача бўлган 299 нафар анемия-гемодепрессияда жигарнинг сурункали вирусли шикастланиши билан хасталанган ҳамда жигари шикастланмаган АСАли 40 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб периферик қон, жигар тўқимаси, суяк кўмиги аспириати ҳамда биоптати материаллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумклиник, гематологик, серологик, биокимёвий, радиологик, иммунологик, гистологик, ультратовуш текшируви, эндоскопик ва статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор анемия-гемодепрессияда жигарнинг сурункали вирусли шикастланишига тааллуқли В ва С вируслари касалликни кечишида ва ривожланишида клиник, гематологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари очиб берилган;

илк бор анемия-гемодепрессияда жигарнинг сурункали вирусли шикастланишида иммунологик ва феростатус дисбалансларининг патогенетик аҳамияти кўрсатилган;

беморларда анемия-гемодепрессия билан кечадиган жигарнинг сурункали вирусли шикастланишини даволаш жараёнида темир моддаларни қўллаш мумкин эмаслиги исботланган;

жигарнинг В ва С вирусли сурункали шикастланишида беморларда аутоиммун компонентининг ҳосил бўлиши натижасида камқонлик-цитопения ҳолати юзага келиб, гармонотерапия самарасизлиги ҳолатида спленэктомия зарурати исботланган;

анемия-гемодепрессияда жигарнинг сурункали вирусли шикастланишини самарали даволашда гемостимулятор, гепатопротектор, иммуномодулятор, интерферон индуктори ва жигар фиброзга қарши комплекс даволаш тизими ишлаб чиқилган;

анемия-гемодепрессияда жигарнинг сурункали вирусли шикастланишини амбулатор-диспансер шароитда самарали терапевтик тиббиёт технологиясига таянган ҳолда давонинг давомийлигига асосланган беморларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш тизими яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анемия-гемодепрессиянинг жигар сурункали вирусли шикастланишига тааллуқли (АГЖСВШТ) бўлганда (В ва С вируслари билан) унинг оғирлик даражасини баҳолашнинг янги мукамаллашган усули тавсия этилган;

беморлар АГЖСВШТ (В ва С вируслари билан) бўлганда касаллик аутоиммун компоненти билан кечувчи глюкокортикостероид гармонларини асосли ва етарли дозада иммунодепрессант сифатида қўллаш тавсия этилган;

консерватив даволаш самарадорлиги клиник, гематологик жиҳатдан кам бўлганда жарроҳлик йўли – спленэектомия амалиётини асосли қўллаш таклиф этилган;

беморлар АГЖСВШТ (В ва С вируслари билан) бўлганда амбулатория-диспансер шароитида навбатма-навбат стационар, амбулатор-диспансер шароитида ва 3 йилдан кам бўлмаган муддатда соғломлаштириш тизими ишлаб чиқилган ҳамда беморларга стационар шароитда кетадиган маблағлар миқдори сезиларли қисқартирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, гематологик, биокимёвий, цито-гистологик, радиоизотоп, ультратовуш, эндоскопик усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологиясини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, гематологик, биокимёвий, цито-гистологик, радиоизотоп, ультратовуш, эндоскопик усулларига ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти АГЖСВШТ бўлган беморларни (В, С вируслари билан) комплекс текшириш асосида уларнинг ҳолати клиник ва патогенетик баҳоланиб, ишлаб чиқилган диагностик мезонлар ҳамда анемия-гемодепрессиянинг оғирлик даражасини баҳолашда фақат гемоглабин кўрсаткичига асосланилувчи одатий усулга муқобил бўлган ва ҳамма асосий гематологик кўрсаткичларни (гемоглобин, эритроцитлар, лейкоцитлар ва тромбоцитлар) инобатга олувчи усул таклиф этилганлиги билан изоҳланади. Ушбу усул беморлар меҳнат қобилиятини қисман тиклашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти татбиқ этилган усулнинг қўлланилиши натижасида кўплаб режали муолажаларни қисқартириш имкони яратилди. Олинган натижалар беморларни ўз вақтида назорат қилиш ва адекват даволаш тизими яратилиб, бошқа врачларга ҳам ташхис ва муолажалар йўналишини тўғри танлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гепатитнинг В ва С вируси таъсирида жигарнинг диффуз шикастланишидан келиб чиққан анемия-гемодепрессиялар патогенези, диагностикаси ва уларни даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сурункали вирусли гепатит В да эритроцитларнинг агрегациясини баҳолаш» услубий қўланамаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 8н-д/115-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали вирусли В ва С гепатитларда ва жигар циррозига тегишли кечишини ташхислаш ва даволаш тизимини яратиш имконини берган;

«Сурункали гепатит ва жигар циррозида аутоиммун камқонликни ташхислаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 8н-д/115-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали гепатит ва жигар циррозида аутоиммун камқонлигини ташхислаш ва даволаш тизимининг самардорлигини такомиллаштириш имконини берган;

«Жигарнинг сурункали касалликларни ассосицирланган анемия-гемодепрессиянинг комплекс даволаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 8н-д/115-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма жигарнинг сурункали касалликлари натижасида ривожаланган камқонлик комплекс даволаш тизимининг самардорлигини такомиллаштириш имконини берган;

гепатитнинг В ва С вирусли таъсирида жигарнинг диффуз шикастланишдан келиб чиққан анемия-гемодепрессияларининг патогенези, диагностикаси ва давосини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти, Самарқанд вилояти клиник касалхонаси, Сирдарё вилояти тез тиббий маркази ва Фарғона шаҳар клиник касалхонаси амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги 8н-д/154-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сурункали вирусли В гепатитда гемопознинг ҳолатини баҳолаш, периферик қондаги эритроцитларнинг агрегацияга мойиллиги, анемияга олиб келиш йўллари ҳамда касалликнинг ножўя таъсирларини бартараф этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Анемия-гемодепрессиянинг сурункали вирусли В ва С гепатитлар ва жигар циррозига тасирида кечишининг патогенизи, ташхиси, клиникаси ва уни коррекциясининг замонавий тенденцияси**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг замонавий ҳолати таҳлил этилган. Кейинги 20 йилдаги муаммога тааллуқли адабиётлар таҳлили амалга оширилган ҳамда шу асосда гепатотроп вирусларининг (В ва С) гемопоезга бўлган таъсири, аутоиммун компонентининг жигар сурункали вирусли

(В ва С) шикастланишида симптоматик гемолитик анемия пайдо бўлишида тутган ўрни алоҳида кўрсатилган. Беморларга одатий вирусга қарши интерферон – α -2b дорисини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган, унинг гемосидерозга олиб келиши таъкидланган, чунки ноаниқ гематологик синдромлар (анемия, лейкопения, тромбоцитопения, гипокоагуляция) бўлганда, интерферон препаратларини периферик қонда анемия, цитопения ва тромбоцитлар адгезиясини пасайтиришини инобатга олинса, бу препаратларни нафақат қўллаш, балки беморлар ҳаётига катта хавф келтириши мумкинлиги ҳам таъкидланади.

Диссертациянинг «**Анемия-гемодепрессиянинг сурункали вирусли В ва С гепатитлар, жигар циррозига тааллуқли кечишидаги клиникаси, патогенези, ташхиси ҳамда уни коррекциялашнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида амбулатория ва стационар шароитида 1996 йилдан 2010 йилгача даволанган 299 нафар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) ҳамда 40 нафар АСАли (таққослаш учун) беморларнинг ушбу тадқиқот давомида таклиф этилган усул асосида (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган, 2004 йил 25 ноябр) анемия-гемодепрессиянинг оғирлик даражасини баҳолаш маълумотлари келтирилган. Ушбу жараёнда шартнома асосида бошқа даволаш муассасалари ҳам иштирок этган. Олинган маълумотларнинг ишончлилиқ даражасини солиштириш учун амалий соғлом донорлар ва беморнинг яқинлари (ихтиёрий) ҳам жалб қилинган (74 киши).

Таклиф этилган усулга кўра гемоглабин даражаси, эритроцит, лейкоцит ва тромбоцитларнинг периферик қондаги миқдорини инобатга олиб, касалликнинг оғирлик даражаси баҳоланади. Бу кенг доирадаги шифоколар –

гематолог, терапевт, акушер-гинеколог, жарроҳлар ва бошқа тоифадаги шифокорларга ҳам услубий қўлланма сифатида тавсия этилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, тадқиқот давомида анемия-гемодепрессия оғирлик даражасини жигарнинг сурункали гепатотроп вируслари (В ёки С) билан боғлиқлиги ҳам таҳлил қилинган.

Анемия-гемодепрессиянинг оғирлик даражасида гепатотроп С вируси ва аралаш инфекция В+С ҳиссаси енгил даражага нисбатан 2 маротаба ошди. Анемия-гемодепрессиянинг жигар циррози билан биргаликда кечишида, уларнинг енгил даражасида ҳам С вирус ва аралаш В+С вируслар фоизи 28,6 ва 20% ни ташкил этди.

Бу факт баъзи тадқиқотчилар (Лукина Е.А. ва бошқ., 1999; Roza A., Shetty V, 1996) фикрига тўғри келади. Яъни гепатит С вируси кўпроқ жигар циррозига олиб келади ва бошланиш даврида гематологик кўрсаткичларда катта салбий ўзгаришлар кузатилмайди.

АГЖСВШТ (В, С гепатотром вируслари) бўлганда ташхисни асослашда дастлаб беморарнинг анамнези, клиник кўрсаткичлари, лаборатория кўрсаткичлари ва асбоблар билан текшириш натижаларига асосланиб таҳлил қилинади.

Периферик қон кўрсатмалари (гемоглабин, эритроцит, лейкоцит, тромбоцитлар); биокимёвий кўрсаткичлар (умумий оксил ва унинг фракциялари, биллирубин, жигар цитолитик ферментлари, қон зардобидаги темир моддаси, трансферрин, ферритин миқдори ва бошқ.); асосий иммунологик ва махсус иммунологик кўрсаткичлар, эритроцитларни гемолиз бўлиш даражаси ҳам лабораторияда текширилди, гепатит вирусларининг В, С маркерлари, иммунофермент (ИФ) усули, полимераз, занжирли реакция (ПЗР) усулида ўтказилди.

Тиббий жиҳозлар ёрдамида ультратовуш текшируви (УТ), эндоскоп ёрдамида қизилўнгач, ошқозонни текшириш, суяк кўмигини цитогистологик, жигар ва талоқ биоптати – гистологик текширилди.

Гемопозз планцдарми радиологик текширувда техниций–99 изотопи билан ўтказилди. Бундан ташқари асосий иммун кўрсаткичлар, ауторезока ҳосил қилувчи иммун ҳужайралар одатий усулда ўтказилди, шунингдек, антиген боғловчи лимфоцитлар миқдори (жигар, тромбоцит, бириктирувчи тўқима антигени боғловчи) аниқланди. Аутоэритрофагоцитоз ҳолати кўрсаткичи ҳам ўрганилди.

Тадқиқот давомида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 20 октябрдаги 560-сон буйруғи ҳамда халқаро қабул қилинган сурункали гепатит ва жигар циррози таснифига (Лос-Анжелес шаҳри, АҚШ, 1994) асосланилди.

Барча текширувлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: I тажриба гуруҳини 90 нафар АГЖСВШТли (В, С вируслари билан) ва 40 нафар АСА бўлган бемор ташкил этди. Уларда одатий даволаш усули самарадорлигининг 3 йиллик натижаси таҳлил қилинди (ретроспектив) ва баҳоланди.

II тажриба гуруҳидаги 84 нафар АГЖСВШТ бўлган (В, С гепатит вируслари билан) беморнинг биокимёвий кўрсаткичлари текширилиб, шундан 62 нафарида асосий иммун кўрсаткичлар, 51 нафарида махсус иммун кўрсаткичлар, 25 нафарида ферритин, трансферрин кўрсаткичи ҳамда трансферрининг темир моддаси билан тўйиниш даражаси ўрганилди.

III тажриба гуруҳини 25 нафар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлган беморлар ташкил қилиб, уларни даволашда одатий даволаш усулига қўшимча гепатопротектор – гемоимуномодулятор Кобавит қўлланилди ва олинган натижалар баҳоланди.

IV тажриба гуруҳи 23 нафар АГЖСВШТ (В, С вируслар билан) бўлган беморлардан иборат бўлиб, уларни даволашда одатий даволаш усулига қўшимча бирваракайига Кобавит билан Лакто-Флор дориси ишлатилди ҳамда унинг мембрано репаратор, гемо-имуномодулятор, антиоксидант, пролифиратор сифатидаги таъсир кўрсатиш хусусиятлари ҳам инobatга олиниб таҳлил қилинди.

V тажриба гуруҳидаги 19 нафар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлган беморларда аутоиммун компонентлари ривожланганлиги инobatга олиниб, даволаш усулига қўшимча иммунодепрессант сифатида преднезолон қўлланилди (катта дозаларда).

VI тажриба гуруҳидаги 23 нафар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан)да терапевтик даво самараси кам бўлган беморларда керакли тайёргарликдан кейин асосланган кўрсатмалар асосида ўтказилган спленэктомия амалиёти натижалари таҳлил қилинди.

VII тажриба гуруҳини 35 нафар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлган беморлар ташкил эти. Уларда клиник, гематологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар комплекс даводан кейин (терапевтик+жарроҳлик) узок муддат (6 ойдан 36 ойгача) текширилиб таҳлил қилинди ва уларнинг 24 нафарида гематологик кўрсаткичлар мониторинги ўтказилди. Олинган натижаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, ишлаб чиқилган бир йилда 2 мартадан кам бўлмаган ва камида 3 йил давомида қўллаб турувчи даволаш тиббиёт технологияси беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, маълум фоиз беморларда эса меҳнат фаолиятини тиклашга ёрдам беради.

Олинган маълумотларни статистик таҳлил қилишда STATYSTYCA – 6,0 статистик дастуридан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлган ва АСА жигари шикастланмаганда одатий даволаш жараёнидаги клиник-гематологик тасвир**» деб номланган учинчи боби уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлган 90 нафар беморларда одатий даволаш усулигача бўлган клиник-гематологик тасвир келтирилган (ретроспектив). Бунда шуниси диққатга сазоворки, клиник белгиларнинг беморларда учраши юқорида кўрсатилган 2 гуруҳ беморларида турли даражада. Бундан ташқари клиник симптомларни одатий даволаш усулидан кейин йўқолиш ҳолати ҳам ҳар хил эканлигини кўриш мумкин.

Бобнинг иккинчи қисмида АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлган 299 нафар, жигари шикастланмаган АСАли 40 нафар беморнинг одатий даволаш усули ўтказилгандан кейинги клиник-гематологик ҳолати тасвирланган. Бунда одатий даволаш усулидан кейин кўпчилик клиник белгилар АСАли беморларда кескин камайиши, баъзилари бутунлай йўқолиши кузатилган (юракнинг тез уриши, ҳаво етишмаслиги ва терининг оқариши). Гематологик кўрсаткичларда ҳам ишончли ижобий ўзгаришлар қайд этилди. АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлган беморларда бошқача ҳолат кузатилди: бунда касалликнинг кўпчилик клиник белгилари сақланиб қолди (терининг оқариши, баъзида сарғиш тус билан, кўз склерасини сарғишлиги, жигар ва талоқнинг катталиги, қорин деворида вена томирларининг кенгайганлиги ва бошқ.). Гематологик кўрсаткичда ҳам бу беморларда фақат эритроцит кўрсаткичларида (гемоглабин, эритроцитлар) ишончли ижобий натижа кузатилди, бунда қон қисмларининг кўплаб қуйилганлигини (эритроцит массаси) алоҳида таъкидлаш лозим.

Бошқа гематологик кўрсаткичларда беморларда ишончли ижобий натижа олинмади.

31 нафар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлган беморларда гемопоз плацдарми радиактив техницит-99 билан даволашгача текширилиши таҳлилига кўра (ретроспектив) қуйидаги натижалар олинди:

1-гурӯҳда (n=17) периферик қондаги анемия-цитопения ҳолатига сурункали вирусли гепатит йўлдош касаллик ҳисобланган бўлса, бунда гемопоз плацдарми соғлом одамларникидан деярли фарқ қилмади ($P>0,05$);

2-гурӯҳда (n=14) периферик қондаги анемия-цитопения ҳолати жигарнинг вирусли (В, С) циррозига тааллуқли бўлиб, бунда гемопоз плацдармининг марказий суякларда (умуртқа, чанок, сон, болдир ва елка суякларида) камайиши ва, аксинча, унинг периферик суяк кўмигида кенгайиши кўпчилик беморларда (10 кишида) кузатилди.

Бобнинг учинчи қисмида беморларни АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлганда 3 йил давомида одатий усул билан даволангандан кейин амбулатор-диспансер шароитида кузатиш натижалари баён этилган. Бунда 90 нафар бемордан 11 нафарида (12,2%) клиник соғломлашиб, гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлари меъёрлашганлигини кўриш мумкин. Беморларнинг 26 нафарида (28,8%) клиник кўрсаткичлар барқарорлашиши қайд этилди, лекин улар даврий қувватлаб турувчи давога муҳтож бўлди. 53 нафар беморда (59%) одатий даволаш усулидан кам самара олинди ва шулардан 3 йиллик кузатиш давомида 20 нафар бемор (22,2%) вафот этганлиги аниқланди. 40 нафар АСА билан ва жигари шикастланмаган беморлар 3 йил амбулатор-диспансер шароитида кузатилганда қуйидаги натижалар олинди: клиник-гематологик соғломлашиш 30 кишида (75%), 8 кишида (20%) касалликнинг сурункали рецидив ҳолатга ўтиши ва вақти вақти билан давога муҳтожлиги; 2 нафар (5%) беморда касалликнинг апластик анемияга ўтиши қайд қилиниб, бу даволаш усулини ўзгартиришни талаб этади.

Диссертациянинг «**Беморлар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлганда биокимёвий кўрсаткичлари, темир моддаси ва темир моддасини сақловчи оксилларнинг қон зардободаги ҳолатини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида 84 нафар беморда биокимёвий кўрсаткичлари (умумий оксил ва унинг фракциялари, биллирубин ва унинг фракциялари, жигарнинг цитолитик ферментлар (АлАТ, АсАТ) текширилди. Шундан фақат 25 беморда феростатус (қон зардободаги темир моддаси ва темир сақловчи оксиллар: ферритин, трансфорринмикдори ва трансферринни темир билан тўйиниши даражаси) ўрганилди. Бунда шу нарса аниқландики биллирубинни кўрсаткичи, хусусан, уни боғланган фракцияси ва жигар цитолитик ферментларининг (АлАТ, АсАТ) қон зардободаги микдори беморларда анемия гемодепрессиянинг оғирлик даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқлиги, яъни тўғри корреляция боғлиқлиги аниқланди.

Беморларнинг деярли ҳаммасида γ -глобулин кўрсаткичи таққосланувчи соғлом гуруҳга нисбатан ишончли юқорилиги ($P < 0,05$) қайд этилди. Буни яна шу ҳолат билан тушунтириш мумкинки, беморларнинг кўпчилигида касаллик сурункали бўлгани учун аутоиммун компоненти пайдо бўлиб, γ -глобулин оксили унинг битта кўрсаткичи ҳисобланади.

Трансферин оксилнинг темир моддаси билан тўйиниш даражаси соғломларга нисбатан юқори бўлиши кузатилди. Бу ҳолат оғир даражадаги анемия-гемодепрессияда (1,67 маротаба) сезиларли бўлиб, буни мослашган (компенсатор) ҳолат деб баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг «**АГЖСВШТ (В ва С вируслари билан) бўлган беморларнинг иммунологик кўрсаткичлари**» деб номланган бешинчи боби 2 қисмдан иборат бўлиб, унда 62 нафар бемордаги асосий иммунологик кўрсаткичлар, баъзи махсус иммунологик кўрсаткичлар ҳамда 51 нафар беморда, гемолитик синдромни текшириш натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг 1-қисмида беморларда асосий иммунологик кўрсаткичлари таҳлил қилинган, 2-қисмида махсус иммунологик кўрсаткичлар ва гемолитик синдром қиёсий баҳоланган (соғломларга нисбатан).

Беморларда асосий иммун кўрсаткичлари текширилганда $ТСДЗ^+$ популяцияси ва $Т_мСД4^+$, $Т_γСД8^+$ субпопуляцияси микдори соғломларга нисбатан ишончли пасайганлиги аниқланди.

Анемия-гемодепрессия ҳолатининг беморларда оғирлашиб боришида юқоридаги иммуноцитлар кўрсаткичидаги дисбалансинг кўпайиб бориши қайд этилди. Беморларда нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги (НФФ) пасайганлиги ҳам аниқланиб, бу ҳолат беморларда анемия-гемодепрессиянинг оғир даражасида якқол (2,7 маротаба) намоён бўлди ($P < 0,001$).

Қонда циркуляцияда бўлган иммун комплекслар (ЦИК) ва ауторозетка ҳосил қилувчи иммунцитлар (Ауто РХҚЛ) деярли барча гуруҳ беморларда соғломларга нисбатан юқори бўлиши аниқланди ($P < 0,05$).

Асосий гуруҳ иммуноглобулинларидан (G, A, M) фақат JgG гуруҳи беморларда соғломларга нисбатан ишончли юқори бўлди ($P < 0,05$).

Махсус иммун кўрсаткичлари текширганда антиген боғловчи лимфоцитлар (АБЛ) миқдори тромбоцит антигенини, айниқса жигар антигенини боғловчи иммуноцитлар соғломларга нисбатан юқори бўлиши аниқланди ($P<0,05$, $P<0,001$).

Жигар тўқимаси антигени (ЖТА) эритроцитлар мембранасида ҳам юқори бўлиши аниқланди ($P<0,01$); аутоэритрофогацитоз (АЭФ) феномени кўрсаткичи ҳам ЖТА кўрсаткичидек юқори даражадалиги қайд қилинди ($P<0,01$).

Эритроцитларнинг гемолиз даражаси (ЭГД) ва эритроцитлар мембранасидаги қўшувчи тўқиманинг антигени (ЭМКТ) кўрсаткичлари ишончли юқори кўрсаткичи соғломларга нисбатан фақат ўртача оғир ва оғир даражадаги анемия-гемодепрессияга эга беморларда кузатилади ($P<0,05$, $P<0,001$).

Юқоридагилардан кўринадик, АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) беморларда иммунологик кўрсаткичларида катта ўзгариш кузатилиб, улар касалликни патогенезида муҳим роль ўйнайди. Эритроцитларнинг осматик беқарорлиги фақат ўртача оғир ва оғир даражадаги беморларда бузилади. Шундай қилиб беморларни даволашда иммун кўрсаткичларини нормаллаштириш ва эритроцит мембранасини ҳолатини тиклаш (репарация) муҳим патогенетик ўрин ўйнайди.

Диссертациянинг «Беморлар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) гепатопротекторлар, гемо ва иммунокорректорлар, мембранорепаратор ва интерферон индуктор таъсирига эга дорилар қўллаб даволаш» деб номланган олтинчи бобида беморларни комплекс даволаш, жумладан, консерватив даволаш самараси кам бўлганда маълум кўрсатмаларга биноан жарроҳлик амалиёти – сплекэктомия ўтказиш бўйича тавсиялар берилган 4 қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмда одатий даволаш усулига қўшимча тарзда Кобавит дорисини қўллаш ва уни беморларнинг клиник, гематологик ва бошқа лаборатория кўрсаткичларига таъсирини даволаш жараёнида баҳолашга бағишланган.

Кобавит Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2005 йилда беморларга гепатопротектор, гемо ва иммуномодулятор сифатида қўллашга рухсат этилган.

Тадқиқот давомида 25 нафар беморга одатий даволаш усулига қўшимча тарзда Кобавит дориси қуйидаги режа ва дозада қўлланди: 0,02 грамдан бир кунда 2 мартаба 15–20 кун давомида, кейин қувватлаб турувчи дозада 0,01 грамдан 2 маҳал 20–25 кун давомида. Такқослаш гуруҳидаги 28 нафар бемор бир хил ташхис билан одатий усулда даволанди.

Иккала гуруҳ беморларида ҳам даволангандан кейин 3–4 ҳафта ўтгач, клиник, гематологик, биокимёвий, иммунологик кўрсаткичлардаги ўзгаришлар таҳлил қилинди.

Клиник кўрсаткичлар – кўз склераси сарғайиши, тез чарчаб қолиш ва юракнинг тез уриши асосий гуруҳда такқослаш гуруҳига нисбатан 5–6 кун олдин йўқолди. Талоқ ва жигар ҳажми кичрайиши (каттарган ҳолатда бўлса)

асосий гуруҳда кўпроқ аниқланди. Гематологик кўрсаткичларнинг эритроцит каторида ишончли ижобий натижа асосий гуруҳда кўп, лекин лейкоцит ва тромбоцитлар миқдори даволашгача нисбатан ишончли ошмайди ($P>0,05$).

Таққослаш гуруҳида эса фақат эритроцитлар кўрсаткичида даволашгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ишончли ижобий натижа олинди. Бунда бир неча маротаба кўйилган эритроцитлар массаси ўрни бўлиши мумкин.

Биокимёвий кўрсаткичларда фақат ўртача оғир ва оғир даражадаги анемия-гемодепрессияли беморлар текширилди, чунки енгил даражали беморларда ишончли ўзгариш бўлмади.

Даволашдан кейин ишончли ижобий ўзгариш даволашга нисбатан умумий оқсил, албумин кўрсаткичида иккала гуруҳда ҳам даволашга нисбатан аниқланди ($P<0,05$).

Глобулин γ фракциясида даволашнинг ишончли ижобий натижаси иккала гуруҳ беморларида ҳам даволашгача бўлган кўрсаткичларига нисбатан кузатилмади ($P>0,05$).

Даволаш натижасида қондаги трансферрин миқдорининг ошиши ва трансферриннинг темир моддаси билан тўйиниши, темир моддасининг қон зардобидида камайиши фақат тажриба гуруҳида қайд этилди ($P<0,01$).

Юқоридагилардан кўринадики, Кобавит клиник, гематологик, биокимёвий ва феростатус кўрсаткичларига АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) беморларда ишончли ижобий таъсир кўрсатади.

Кобавитнинг иммун кўрсаткичларга таъсири қуйидагича бўлди: 10 та асосий иммун кўрсаткичлардан 5 тасида ўртача оғир даражадаги, 3 тасида оғир даражадаги анемия-гемодепрессия беморларида ишончли ижобий натижа олинди. Таққослаш гуруҳида фақат 3 та кўрсаткичда (фақат оғир даражадаги гуруҳда) ишончли ижобий натижа олинди ($P<0,05$).

Махсус иммун кўрсаткичларга Кобавит таъсири иккала гуруҳ беморларида ҳам деярли бир хиллиги қайд қилинди ва 6 кўрсаткичдан 4 тасида ижобий натижа олинди ($P<0,05$). Таққослаш гуруҳида биронта кўрсаткичда ҳам ишончли ижобий натижа қайд этилмади ($P>0,05$).

Кобавит эритроцитларнинг гемолиз даражасига (ЭГД) ишончли ижобий таъсир кўрсатмади ($P>0,05$). Бундан шу ҳолат аниқландики, фақат Кобавитни қўшимча дори сифатида қўллаб беморларда иммун кўрсаткичларидаги мувозанат ва ЭГД бузилишини йўқотиш мумкин эмас.

Ушбу бобнинг 2-қисмида Кобавит ва Лакто-Флорни биргаликда қўллагандаги натижалар кўрсатилган. Махсус иммунокорректор ва мембрана мустаҳкамлаш хусусиятига эга маҳаллий дори моддаси Лакто-Флор ишлатилиб, бу дори моддаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2005 йил 14 ноябрда беморларда қўллашга рухсат этилган. Дори беморларга 5 мл дан тери остига 1 кунда 1 маротаба 10 кун давомида юборилди. Кейин қўллаб турувчи доза 2,5 мл кун ора 20 кун давомида тери остига юбориб турилди.

23 нафар беморларда Кобавит ва Лакто-Флор юқорида кўрсатиб ўтилган миқдорда ва даврда биргаликда қўлланди. Таққослаш гуруҳи бўлиб

яна ўша 28 одатий усул билан даволанган беморлар олинди. Бунда АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлган беморларда клиник ва гематологик кўрсаткичларнинг барчасида даволаш бошланганга нисбатан ишончли ижобий натижа олинди ($P < 0,05$). Қиёсий гуруҳда қисман клиник кўрсаткичлар ва фақат эритроцитлар кўрсаткичида ижобий натижа (юқорида кўрсатиб ўтилганидек) олинди.

Асосий иммун кўрсаткичларда ишончли ижобий натижа тажриба гуруҳининг $TCD3^3$, T_mCD4^+ , $T_\gamma CD8^+$, НФА, ЦИХ ва JgG кўрсаткичларида даволаш олди натижаларига нисбатан қайд қилинди ($P < 0,05$, $P < 0,01$). Такқослаш гуруҳида фақат 2 кўрсаткичда ижобий натижа кузатилди.

Беморларда АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) бўлганда махсус иммун кўрсаткичлари ва ЭГДни текшириш натижалари 1-жадвалда келтирилади.

1-жадвал

Баъзи махсус иммун кўрсаткичлар ва ЭГД даволаш жараёнида беморларда АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) (тажриба ва соғломлар гуруҳи)

Бази махсус иммун ва гемолиз кўрсаткичлари	Соғломлар гуруҳида (n=15)	Беморлар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) одатий усул билан даволанганда		Беморлар АГЖСВШТ (В, С вируслари билан) одатий усулга кушимча Кобавит+Лакто-Флор дорилари қабул қилган	
		Ўрта оғир даража (n=12)	Оғир даража (n=9)	Ўрта оғир даража (n=10)	Оғир даража (n=8)
АБЛ – ЖТАга сезувчи, %	1,26±0,017	$\frac{5,9 \pm 0,13^\wedge}{4,8 \pm 0,35^\wedge}$	$\frac{7,8 \pm 0,57^\wedge}{6,9 \pm 0,5^\wedge}$	$\frac{6,3 \pm 0,46^\wedge}{5,0 \pm 0,37^{**\wedge}}$	$\frac{8,4 \pm 0,61^{*\wedge}}{5,9 \pm 0,42^{**\wedge}}$
АБЛ – тромбоцит антигенига сезувчи, %	1,38±0,02	$\frac{4,3 \pm 0,31^\wedge}{3,2 \pm 0,23^{**\wedge}}$	$\frac{7,2 \pm 0,52^{*\wedge}}{6,5 \pm 0,42^\wedge}$	$\frac{4,6 \pm 0,33^\wedge}{3,0 \pm 0,21^{**\wedge}}$	$\frac{7,2 \pm 0,52^{*\wedge}}{4,3 \pm 0,31^{**\wedge}}$
ЖТА – эритроцитлар мембранасидаги микдори (ўртача геометрик кўрсаткичларда) (ЎГК)	0,92±0,066	$\frac{1,9 \pm 0,14^\wedge}{1,6 \pm 0,12^\wedge}$	$\frac{2,5 \pm 0,18^{*\wedge}}{2,1 \pm 0,15^\wedge}$	$\frac{2,2 \pm 0,16^\wedge}{1,6 \pm 0,11^{**\wedge}}$	$\frac{2,5 \pm 0,18^\wedge}{1,9 \pm 0,14^{**\wedge}}$
